

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

Ҳ У К М

2023 йил март ойининг 7 куни жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, судья Ш.Эшматовнинг раислигида, судья ёрдамчиси Д.Пулатованинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси – Тошкент шаҳар Яшнобод туман прокурори ёрдамчиси Б.Бобокулов, судланувчи XXXXXXXXXX ва унинг ҳимоячиси – адвокат М.Рахимов, жабрланувчи XXXXXXXXXXнинг иштирокида, XXXXXXXXXXга оид 1-1009-2302/69-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

XXXXXXXXXX (XXXXXXXXXX), XXXX йил XX ноябрда XXXXX вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, уч нафар фарзанди бор, тадбиркор, муқаддам: жиноят ишлари бўйича Ангрен шаҳар судининг 17.04.2009 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 164-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан 8 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган, Ўзбекистон Республикаси ЖК 78-моддасига асосан судланганлик ҳолати тугалланган, XXXXXX вилояти, XXXXXX тумани, XXXX МФЙ, XXXXX қишлоғи, рақамсиз уйда доимий рўйхатда туриб, вақтинча XXXXX шаҳар, XXXXX тумани, XXXXX МФЙ, XXXXXX мавзеси, X-уй, X-хонадонда яшайди, муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган, Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан айбланган.

Суд судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиб, дастлабки тергов жараёнида, судда тўпланган далилларни ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб ва муҳокама қилиб, жиноят ишидаги ҳужжатларни таҳлил қилиб, тарафларнинг музокаралари, судланувчининг ҳимоя нутқи ва охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И

Судланувчи XXXXXXXXXX, 2022 йил 28 август куни соат 07:00 ларда, қасддан баданга шикаст етказиш мақсадида, Тошкент шаҳар Яшнобод тумани ҳудудида жойлашган “Янгиобод ихтисослаштирилган бозори”нинг қадимий буюмлар сотиш қисмидаги растада савдо билан шуғулланиб туриб, қўшни растада савдо қилаётган XXXXXXXXXX билан келиб чиққан жанжал оқибатида, уни чап кўзига қўли билан бир маротаба уриб, унга тан жароҳати етказган.

Ўтказилган суд-тиббий экспертизасининг 2022 йил 16 сентябрдаги №6730-Х-суд-сонли ҳамда 2022 йил 14 октябрдаги суд-тиббий экспертизасининг №153-сонли экспертиза хулосаларига кўра



XXXXXXXXXXнинг олган тан жароҳатлари соғлиқни 21 кундан кўп муддатга бузилишига олиб келган “ўртача оғир” тан жароҳати эканлиги аниқланган.

Суд мажлисида судланувчи XXXXXXXXXXXX, айбига қисман иқроор бўлиб, 2014 йилдан бери Яшнобод тумани Янгиобод бозорининг қадимий буюмларни сотиш растасида, ўзи дўкон очиб савдо билан шуғулланиб келиши, шу кунгача у атрофидаги сотувчилар билан яхши муносабатда бўлиб келгани, XXXXXXXXXXXX билан дўконлари ёнма-ён эканлиги, 2022 йил ёзда у ўз дўконини катталаштиргани, шундан сўнг ўша вақтларда олдига XXXXXXXXXXXX келиб бирга шерикчилик қилиб ишлашни таклиф қилгани, у унинг таклифига рози бўлмагани, сабаби у ижарага олган жойларини таъмирлаб, у ерда ўзининг буюмларини сотишини, ижара пулини тўламаслигини айтгани, шундан сўнг XXXXXXXXXXXX билан унинг муносабатлари ёмонлаша бошлагани, яъни XXXXXXXXXXXX унинг савдо фаолиятига аралашадиган, унинг ортидан ҳар хил гаплар гапириб юрадиган бўлгани, XXXXXXXXXXXXнинг ҳаракатларидан унинг жаҳли чиқиб юргани, орадан бир ой муддат ўтганидан сўнг, 2022 йил 28 август куни у одатдагидек Янгиобод бозорига савдо қилгани соат 07.00 да келгани, у ўзи савдо қиладиган жойига кириш дарвозаси олдида XXXXXXXXXXXXни кўргани ва унга “Ассалому алайкум омажон, яхшимисиз” деб айтганида, XXXXXXXXXXXX унга қарата кўлини чўзиб, “Сенга нима?” деб айтгани, унда у шунчаки саломлашганини айтганида, XXXXXXXXXXXX унга ёқмаса сўрашмаслигини айтгани, шунда у XXXXXXXXXXXXга “нима сабабдан бундай гаплашяпсиз” деганида, XXXXXXXXXXXX уни ҳақоратли сўзлар билан сўккани, шундан сўнг уни жаҳли чиқиб кетиб, XXXXXXXXXXXXни ўнг кўли билан бир маротаба кўз қисмига ургани, шундан сўнг XXXXXXXXXXXX уни бўйнига кўли билан осилиб, бўға бошлагани, бу вақтда XXXXXXXXXXXX уни онасидан сўккани, кейин атрофда бўлган бошқа сотувчилар уларни ажратиб олишгани, ажратиб қўйишганидан сўнг ҳам XXXXXXXXXXXX уни онасидан сўкиб, “сени қаматаман” деб, ҳар хил сўзлар билан ҳақорат қилгани, шу вақтда XXXXXXXXXXXX исмли сотувчи XXXXXXXXXXXXни ўзи билан бирга бошқа томонига олиб кетгани, у XXXXXXXXXXXXни урганида кўлида узуги бўлгани, уни урганида чап кўзи бироз қонаганини кўргани, кейин савдо қиладиган жойига кириб кетгани, бироз вақт ўтганидан сўнг қайтиб чиққанида ташқари томонда XXXXXXXXXXXXни кўргани, у яна куракда турмайдиган сўзлар билан ҳақорат қилишни бошлагани, шунда у бошқалар олдида уятга қолмаслик учун дўкон ичкарасига кириб кетгани, орадан бироз вақт ўтганидан сўнг мени профилактика инспектори ўз хонасига чақиргани, у ерга борганида XXXXXXXXXXXX ўтирганини кўргани, кейин ҳолат юзасидан тушунтириш хати ёзиб бергани, у қилган ишидан пушаймонда экани ҳақида кўрсатув бериб, унга енгиллик беришни сўради.

Суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчи XXXXXXXXXXXX, у Яшнобод тумани “Янгиобод” бозорида, қадимий буюмларни сотиш растасида савдо билан шуғулланиши, XXXXXXXXXXXX билан ёнма-ён растада савдо қилиши,



тахминан уч йил аввал лўлилар XXXXXXXXXга катта лаганни сотишга олиб келгани, XXXXXXXXX у лаганни 200 АҚШ долларига олишини айтганда лўлилар рози бўлмагани, кейин у ўша лаганни лўлилардан 300 АҚШ долларига сотиб олгани, шундан кейин XXXXXXXXX билан муносабатлари ёмонлаша бошлагани, XXXXXXXXX унга нисбатан ҳар хил ёмонликларни қилиш учун пайт пойлаб юришни бошлагани, шу тариқа бир-бирига нисбатан адоват пайдо бўла бошлагани, 2022 йил 28 август куни соат 06:30 ларда Яшнобод тумани “Янгиобод” бозори қадимий буюмларни сотиш растасидаги ўз дўкони олдида ўтирганида, унга олдиндан таниш XXXXXXXXX ёнидан ўтиб кетгани, у XXXXXXXXXга бир қараб, кейин ўз ишлари билан бўлиб, телефон аппаратида қараганда, XXXXXXXXX тўсатдан юзига бир мушт туширгани, кейин З.Казаков яна мушт билан урмоқчи бўлганида, у қўллари билан муштни қайтариб қолгани, шундан сўнг олдиндан унга таниш бўлган XXXXXXXXX орқа томондан келиб унинг қўлларида маҳкам ушлаб олгани, шу вақтда XXXXXXXXX унинг оёқ қисмига икки мартаба тепгани, кейин XXXXXXXXX унинг кийимининг ёқасидан ушлаб, тортиб судраб кетгани, шу вақтда XXXXXXXXX ҳам ўнг қўлидан ушлаб XXXXXXXXXга ёрдам бериб уни дарвоза томонга тортиб кетгани, шунда ёнида бўлган ўғли Самир йиғлаб “дадамни қўйиб юборинглар” деб ёпишгани, шу вақтда бозордаги одамлар уларни ажратишгани, кейин XXXXXXXXX уни алдаб автотураргоҳ олдида олиб кетмоқчи бўлгани, у эса XXXXXXXXXга мазаси бўлмаётганини, тинч қўйишини айтгани, шунда XXXXXXXXX унга XXXXXXXXX билан чеккароқда гаплашиб олиши учун шароит қилиб беришини айтгани, шунда у XXXXXXXXXга “мени тинч қўйинглар, сизлар билан кейин гаплашаман” деб, дўконида бўлган нарсаларни йиғиштириб, болаларини олиб ҳудуд профилактика инспекторини олдида бориб, ҳолатни унга маълум қилгани, шуларга нисбатан қонуний чора кўришини айтгани, шундан сўнг профилактика инспектори ундан ҳолат юзасидан ариза ва тушунтириш хати олгани, ҳозирда судланувчига нисбатан даъвоси борлиги, судланувчи унга етказган маънавий зарари учун уни ҳеч қачон кечирмаслиги ҳақида кўрсатув бериб, судланувчига қонун доирасида оғир жазо беришни сўради.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ XXXXXXXXX, Яшнобод тумани “Янгиобод” бозорида, қадимий буюмларни сотиш растасида ишлаши, 2022 йил 28 август куни соат 07:00 ларда ишга келгани, у “Янгиобод” бозори қадимий буюмларни сотиш жойидаги дарвоза олдида келганида XXXXXXXXX ва XXXXXXXXXнинг жанжаллашаётганини кўргани, кейин у уларни ажратишга ҳаракат қилгани, у яқинроқ борганида XXXXXXXXX XXXXXXXXXни бўйнидан бўғиб пастга энгаштириб ушлаб турганини кўргани, шунда у уларни ажратиб икки тарафга итариб юборгани, уларни ажратганидан сўнг, XXXXXXXXX XXXXXXXXXни “онангни с..., хариб” деб ҳақорат қилиб, урмоқчи бўлиб XXXXXXXXX томонга юриб келгани, у уларни яна ажратиб қўйгани, кейин XXXXXXXXX “сенга ўхшаган



харибларни бозор худудидан қуритаман” деб XXXXXXXXXга бақиргани, кейин улар ўзлари савдо қиладиган томонга қараб кетишгани ҳақида кўрсатув берди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ XXXXXXXXX, Яшнобод тумани “Янгиобод” бозоридаги қадимий буюмларни сотиш растаси рўпарасидаги ёйма бозорда болалар ўйинчоқлари савдоси билан шуғулланиши, 2022 йил 28 август куни соат 06:00 ларда ишга келгани, у 10 йилдан бери шу ерда ишлагани учун атрофидаги сотувчиларни яхши таниши, шу куни соат 07:00 ларда “Янгиобод” бозори қадимий буюмларни сотиш жойидаги дарвоза олдида шовқин овозини эшитгани ва у ерга боргани, шунда XXXXXXXXX XXXXXXXXXни бўйнидан бўғиб пастга энгаштириб ушлаб турганини кўргани, атрофдаги одамлар уларни ажратишни бошлагани, кейин у ҳам уларни ажратишга ҳаракат қилгани, уларни ажратганидан сўнг, XXXXXXXXX XXXXXXXXXни “онангни с...., хариб” деб ҳақорат қилгани, кейин у XXXXXXXXXни ҳожатхона томонга жўнатиб юборгани, кейин XXXXXXXXXни кўрганида уни чап қоши қонаётган бўлгани, кейин у XXXXXXXXXга қоши қонаётганлигини айтиб, шифокорга олиб боришни таклиф қилгани, XXXXXXXXX эса керак эмаслигини айтгани, кейин у XXXXXXXXXни савдо растасидан узоқроқ жойга олиб боргани, сабаби улар яна XXXXXXXXX билан уришиб кетиши мумкин бўлгани, кейин XXXXXXXXX ўғли нарсаларини йиғиштириб келишини айтгани, у савдо растага бориб XXXXXXXXXни ўғлига нарсаларини йиғиштиришига ёрдам бергани, кейин XXXXXXXXX ўғли билан кетгани, шу тариқа XXXXXXXXX бир ой савдо қилишга чиқмагани ҳақида кўрсатув берди.

Суд, давлат айбловчисининг хулосасини, судланувчининг кўрсатувларини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, судланувчининг жиноят содир этганликдаги айби, унинг қилмишидан пушаймон бўлиб берган кўрсатувлари, жабрланувчининг ариза ва тушунтириш хатлари, экспертиза хулосаси ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан исботланган деб топади.

Суд, судланувчи XXXXXXXXXнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддасининг 2-қисми “а” банди, яъни безорилик, яъни жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик, уриб-дўппослаб, баданга ўртача оғир шикаст етказиб, содир этишда ифодаланган жиноят аломатлари билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 9-сонли «Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарори 13-бандида, “Судлар айбдор қасдининг моҳияти ва у нимага қаратилганлигидан, содир этилган ҳаракатнинг мотиви, мақсади ва муайян ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда безориликни бошқа жиноятлардан фарқлай олишлари керак. Жумладан, оилада, уйда қариндош-улуғ, таниш-билишларга нисбатан содир этилган ҳақоратлаш, уриш-дўппослаш, баданга енгил шикаст етказиш каби ҳаракатлар, агар



улар шахсий келишмовчилик натижасида келиб чиққан бўлса ёхуд жабрланувчининг ножоиз ҳатти-ҳаракатлари оқибатида содир этилган бўлса, шахсга қарши жиноят деб баҳоланиши ва Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддалари билан квалификация қилиниши лозим. Башарти, шахс ўз хатти-ҳаракатлари билан айна вақтда жамоат тартибини бузаётганлигини ва жамиятга нисбатан очикдан-очик ҳурматсизлик қилаётганлигини ҳам яққол англаган бўлса, қилмиш безорилик сифатида квалификация қилинади ва шахсга қарши жиноятларни назарда тутувчи моддалар билан қўшимча квалификация қилишни талаб этмайди”, деб кўрсатилган.

Мазкур жиноят иши юзасидан аниқланган ҳолатларга кўра жабрланувчи XXXXXXXXXга тан жароҳати илгаридан давом этган келишмовчилик натижасида етказилган бўлиб, жабрланувчи XXXXXXXXX билан судланувчи XXXXXXXXX бозордаги ёнма-ён растада савдо қилишган ва айнан бир хилдаги, яъни қадимий буюмлар савдоси билан шуғулланишган, савдодаги рақобат туфайли уларнинг муносабатлари яхши бўлмаган ва илгаридан бир-биридан норози бўлиб юрган. Содир этилган жиноят айнан илгаридан давом этиб келган келишмовчиликлар сабабли юзага келган.

Суд юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, судланувчи XXXXXXXXXнинг жинойий ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖК 277-моддасининг 2-қисми “а” бандидан, содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавfli бўлмаган ва ушбу Кодекснинг 104-моддасида назарда тутилган оқибатларга олиб келмаган, лекин соғлиқнинг узок вақт, яъни камида йигирма бир кун, аммо тўрт ойдан кўп бўлмаган даврда ёмонлашувига сабаб бўлган қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказишда ифодаланган Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддасининг 1-қисмига қайта квалификация қилишни лозим топади.

Суд, судланувчи XXXXXXXXXга жазо тури ва меъёрини тайинлашда, унинг уч нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини, қилмишидан пушаймонлигини жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, жиноятнинг ижтимоий хавfliлик даражасини, характерини, мотив ва мақсадини ва оқибатларини, бундан ташқари ишдаги бошқа ҳолатларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 03 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги №1-сонли Қароридаги кўрсатмаларига амал қилиб, қонунийлик, одиллик, инсонпарварлик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига асосланган ҳолда, озодликни чеклаш жазоси тайинлашни лозим деб топади.

Бундан ташқари, суд, жабрланувчи XXXXXXXXXга моддий зарар етганлигини тасдиқловчи ҳужжатлари мавжуд эмаслигини инобатга олиб, жиноят натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарни



ундириш масаласида фуқаролик тартибида фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтиришни лозим деб топади.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462-463, 467, 468, 471-472-моддаларига амал қилиб, суд

ҲУКМ ҚИЛДИ

XXXXXXXXXX (XXXXXXXXXX) Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин ва унга 2 (икки) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Жазони XXXXXXXXXнинг яшаш манзили Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Уйсозлар МФЙ, Оханграбо мавзеси, 9-уй, 9-хонадонда соат 21:00 дан 06:00 га қадар ўташ белгилансин.

Жазо муддати маҳкум жазони ижро этувчи пробация бўлимида ҳисобга олинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

XXXXXXXXXXга ҳукмнинг ижросини назорат қилувчи орган розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, оммавий тадбирлар ўтказишда иштирок этмаслик, алкогольли ичимликлар истеъмол қилмаслик мажбуриятлари юклатилсин.

Жазо ижросини назорат қилиш XXXXXXXXXнинг яшаш жойи бўйича ИИО ФМБ зиммасига юклатилсин.

XXXXXXXXXXга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси 6-қисмига асосан, агар маҳкум озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги тушунтирилсин.

XXXXXXXXXXга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Жабрланувчи XXXXXXXXXга жиноят натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш масаласида фуқаролик тартибида фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида апелляция тартибида Тошкент шаҳар судига шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик этувчи:

/имзо/

Ш.Эшматов

Нусхаси аслига тўғри:

